



ОТА ИЗИДАН



ТОШКЕНТЛИК ОЛИМ ТАКЛИФИ

Бизнинг жазирама кўчаларида кўчаларда фонтан ёқинида ўтириб, суя зарраси билан тўйинган хаводан нафас олсангиз қанча-қанча роҳат қилсангиз: қишнинг табияти равшан бўлади, кайфияти ўзгаради, организм қандайдир тетикланади. Қишнинг шаршараси ёки тез оқадиган сой ёқинида турса ҳам шундай таассурот олади. Ҳўш, бу тасодифий нарсамиди?

Ўй, асло. Суя зарраси ақолий шифобахш сифатларга эгадир. Суя сочилиб, майда зарралар — чангга айланиб, гидроксид ва гидрокарбонат ионлари, шунингдек кислоталар атомлари ҳосил бўлади. Булар кишининг марказий нерв ва юрак-қон томирлари системасига яхши таъсир кўрсатади. Сўнгги вақтларда совет олимлари даволашнинг янги методи — гидрозонаизациянинг нафси эдилади. Суя чангидан фойдаланишга асосланган бу метод гипертония, бронхит астма ва бошқа касалликларни даволашда яхши натижалар бермоқда. Маълум методни бундан чорак аср олган тошкентлик профессор В. А. Черняевский тақдир этган эди.

Кўчат ўтқозиш ойлиги Нўчатзор нонгаймоқда

Оҳангарон ўрмон хўжалигига қарашли Новогород шаҳарчаси атрофида 16 гектар майдон ажратиш, унинг 12 гектарига олма ва терак, 40 сотихига ўрик, узум, олича ва акания уруғи ҳамда кўчатлари ўтқозилганга бир йилдан ошди. Сифатли парварниш бу кўчатларни тезда юлга етказди. Ҳозиргача бу ердан 10 минг туп терак кўчати цемент заводи ва Писант райони колхозларига жўна тилди.

Шу кўчаларда кўчатзорда ерларни яна уруғ экишга тайёрлаш ишлари қизғин бормоқда. Тракторчи А. Ахмедов ерларни ишлаб қўйишга бир йил норма бўлмоқда. Унинг гайрати билан 12 гектар ер ҳайдалиб, экишга ҳозирлаб қўйилди. Бу йил яна олма, дўб уруғлари ва 30 минг дон терак қаламчиси экилади.

Шаҳар ўрмон хўжалиги кўчатзор ишлари янада яхшилаш мақсадида унга трактор ва 20 ишчини бериб қўйди.

Т. ШЕРАЛИЕВ.

Яхши ният билан...

Беноед. Шаҳар гишт заводи коллектив ҳозиргача ўз территорияларига 1000 туп мевали ва 2000 туп манзарали дарахт кўчатлари ўтқазиб қўйди. Ишчилар яна 4000 туп кўчат экишга аҳд қилганлар. Шунингдек, райондаги Дээр-жинский номи колхозда ҳам янгидан 32 гектарлик мевали дарахтзор боғи ташкил қилинмоқда. Шундай қилиб, бу йил колхоз боғларининг майдони 75 гектарга етди.

З. ҚОДИРОВ.

Маликим. Собир Раҳимов номи колхоз аъзолари кўчаларга кўчат ўтқозиш ишларини зўр ақтилади билан ўтқазмоқдалар. Колхоз правлениеси ажратган 50 гектар майдонга ҳозиргача 17,5 минг туп олма, 1 минг 400 га яқин шафтоли, 10 минг тупдан ортиқ тўт ва 250 туп ўрик кўчатлари ўтқазилди. Кўчат экиш қизғин давом этмоқда.

Т. ЖУРАЕВ.

Тошкент. «Шаҳарчамиш гузар қишлоқ» деган шир билан Тошкент қишлоқ хўжалигини иргаташ ва механизациялаш инженерлари институти студентлари ўз ётоқхоналари атрофини гул ва дарахтзорга айлантирмоқдалар. Агроном База Мирзохона раҳбарлигида ва Э. Ражабов, Ф. Фазлидиров, Т. Намозов каби студентларнинг актив иштирокида ҳозиргача ётоқхона атрофига 1350 туп гул ва дарахт кўчатлари ўтқазиб қўйилди.

А. НИЗОМОВ.

Маҳаллада мезазор кўчалар

Пойтахтдаги Киров зилди 1-Киев президи райони янги «Янги-арик» маҳалласи меҳнатчилари кўчат ўтқазиб қўйди. Маҳалла кўчалари-ни мезазорга айлантиришда меҳнатчилар қўчаларни экишга қарор қилган эдилар. Маҳалла комитетининг Раҳматулло Мусоев, ёш таъинловчи И. И. Янги-арик маҳалласи меҳнатчилари кўчат ўтқазиб қўйди. Маҳалла кўчалари-ни мезазорга айлантиришда меҳнатчилар қўчаларни экишга қарор қилган эдилар. Маҳалла комитетининг Раҳматулло Мусоев, ёш таъинловчи И. И. Янги-арик маҳалласи меҳнатчилари кўчат ўтқазиб қўйди.

А. НАБИХУЖАЕВ.



Тошкентдаги спорт мактаби майдонида ёзги мавсум очилиши муносабати билан қизғин мусобақалар ўтказилмоқда. Суратда: 2-раундда спортчи Николай Катков «Мрамор» лақабли отида мавсум очилиши мукофоти учун бўлаётган мусобақада тўсиқни енгиб ўтгайди.

В. Ткачев ва Д. Шедринский фотоси.



ЯНА ДУРАНГ

27 мартда шахмат бўйича М. Тал билан М. Ботвинник ўртасидаги жаҳон биринчилиги учун реванш матчиини олтинчи партияси ўйнади. Бир хил юрш уч марта такрорланган бу партия 25-юрида дуранг билан тугади. Бу гал Тал оқ донлар билан «ўйнаган эди. Шундай қилиб, ҳисоб М. Ботвинник фойдасига 3,5:2,5 бўлди.

Тошкентлик боксчи СССР бўйича иккинчи ўринда

Москвада бокс бўйича СССР биринчилиги мусобақалари тавом бўлди. Кескин кураш билан ўтган бу мусобақада тошкентлик боксчи, спорт мастери И. Будман катта муваффақият қозонди. У грузиялик спортчи В. Калашников билан Литванининг кучли боксчиси Я. Позняк устидан ғалаба қозонди.

Кўпқунли велосипед пойгаси яқинлашмоқда

Спорт масмунининг энг қизғин мусобақаларидан бири бўлган кўпқунли велосипед пойгасининг бошланишига, жуда оз вақт қолди. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг мукофоти учун бўладиган бу мусобақада спортчилар қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар.

Велосипед пойгасига Тошкентдаги Ленин номи майдонда 15 апрелда старт берилди. Мусобақа тўсиқлиқ Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон ёлларидан ўтди. У Тошкент — Урестейск — Ленинобод — Қўқон — Андижон — Жалолобод — Наманган — Қўқон — Ленинобод — Урестейск ёлларидан бўлган. Мусобақа финишини 26 апрелда Тошкентда ўтқизиш мўлжалланган.

СССРнинг кўпқунли велосипедчилари бу мусобақада қатнашишга иштирок этадилар. Федерация бу йилги мусобақада қатнашиш иштироки билан қатнашадиган телеграммалар олди. Бу телеграммаларда Ўзта Осиё республикалари, Сталинград, Сталинск, Бурят АССР, Омск, Новосибирск қўқонли мусобақада қатнашадиганларни айтилган. Худди шундай иштирокчи Кўрбас қўқонлилардан ҳам олди.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИККИТА РЕКОРДИ

«Ўзбексельмаш» заводи клубида пойтахтнинг энг кучли шатангчилари мусобақалашдилар. Икки кунлик курашдан сўнг В. Крайкушин В. Васильев, Л. Дрейзлер, Р. Аванесов, К. Кузнецов, А. Хутурди, Ю. Бочварев, А. Окунев ва С. Копеланов 1961 йилги Тошкент чемпионли бўлдилар. «Спартак» яманининг вакили Васильев Ли иккита республика рекорди қўйди.

Л. ПЯНЦЕВ.

Редактор З. И. ЕСЕНБОВЕВ.

РЕСПУБЛИКАДА БИРИНЧИ БЎЛИБ

Профессор О. Жамоловнинг «Ташселим» ўтган сўхбатидан сўнг савол-жавоб бўлиб бериб берди. Клуб залини тўлдириб ўтирган завод ишчилари — корхона маданият унаверситети тингловчилари ўзларини қизғин саволларга тезроқ жавоб олишга ошиқшарди.

— Пахтачиларнинг комплекс равишда механизациялаш асосан қачон тўла амалга оширилади? — Завод инженер-технолог М. Турдиқулбеков беради саволи ҳаммани қизиқтирди.

— Бу масала эндида сир эмас, — деди институтнинг старший илмий ходими П. В. Калашников. — Комплекс механизациялаш проблемаси шу етти йилларнинг охирида ўзгаришга эришди.

— Ганнинг сираси ҳам шу. Негаки, кейинги бир-икки йил ичида бу соҳада кўлга келтирилган ютуқлар шунинг тақозоси қилмоқда. Ҳозир илмий муассасаларда, кўпгина хўжаликларда комплекс механизациялашнинг илгир методлари ишлаб чиқилмоқда. Бунда «Ташселим» заводи коллективнинг кизмат катта. Чунки, тақомиллаштирилган пахта териш-ю машиналарини қўллаб ишлаб чиқариш кўп йиллардан сизнинг корхонасизга боғлиқ.

— Бунинг учун қанча пахта териш машинаси керак бўлади? Бу саволга ҳам олим Калашников жавоб берди.

— Олдиндан фалонга машина тайёрлашнинг доим деб айтиб бўлмайди. Эҳтимол кўп-ла машиналар талаб қилинган, балки озор. Бунинг таъини ўзи кўрсатади. Аммо, ҳамма гап тайёрланаётган агрегатнинг сифатида, иш унуида, конструкциясининг мукамаллигида қолган.

1961 йил учун завод бўйича олдинги социалистик мажбуриятнинг ўрганиб чиқилди. Чунки эмас. Биринчи қилатилди. Чамо билан 1964 та «ХВ-1,2» пахта териш машинасини ишлаб чиқаришга аҳд қилган экансиз. Бу вазифа муддатидан олдин бажарилибди. 1962 йили ўн

А. АЛИЕВ.

БИР КОЛХОЗНИНГ БЮДЖЕТИ

Юзори Чирчиқ райондаги Свердлов номи колхоз ўтган йилги ҳисобдан беш миллион сўм (наҳарларнинг янги миқдорида) даромад олган эди. Бу йил хўжалик бюджетининг ҳамма моддалари ўсди. Колхозчиларга маданий ва медицина хизматлари кўрсатиш моддалари энг кўп ўсди, шу мақсадлар учун уч баравар кўпроқ маблағ сарфланди.

Медицина шаҳарчаси куриш учун 400 миң сўм сарфлаш кўзда тутилди, унинг лойиҳасини Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг мутахассислари тўзиб бердилар. Колхозда шу билан олтинчи медицина муассасаси барпо этилади. Уларнинг ҳаммаси колхоз бюджетига олинган. Колхоз правленисининг қарорига мувофиқ, медицина қўқонлиларига шу билан иш ҳақи тўланади, врачлар ойига 180 сўмдан ва медицина ҳамширалари 90 сўмдан маош оладилар. Колхоз колхозларро санаторий куриш учун эдлик миң сўм маблағ ажратди.

Беш клуб, беш кутубхона, радиоузел, маданият ва истироҳат боғи, стадион, ҳаммом, кирхона, радиоприйимниклар ва маънавий приборларнинг ремонт қилдирилган мастерской — буларнинг ҳаммаси колхоз кассасидан маблағ билан таъминланди. Болалар боғчалари ва мактабларда бепул овқатланиш учун неча ўн миң сўм маблағ ажратилган.

Колхознинг маданий-маънавий ва медицина муассасалари ахтёжлари учун бу йил қарийб 150 миң сўм, яъни ўтган йилдагига нисбатан қарийб 3 баравар кўпроқ маблағ чиқарилди. (ЎзТАГ).

Ҳам педагог, ҳам шофер бўлишди

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг ДОСААФ таъкилотини ҳузурида ташкил этилган автомобиль ва мотоцикл ҳайдашни ўрганиш тўғрисида машғулотлар мунтазам ўтказилаётди. Тўғрақ аъзолари ўқитувчи Н. Костенников раҳбарлигида машина қисмлари, уни бошқариш

қўқонли ва кўча ҳаракати қондаларини пухта ўрганимоқдалар.

Бу тўғраракка бўлажак педагоглардан 70 дан ортиқ киши қатнашаётди. Улар ақинда «хаваскор шофер» гувоҳномасини оладилар.

Х. АХМЕДОВ, К. ПАРДАБОВЕВ.

Те левизор экраннда

29 МАРТДА
12.00. Болалар учун мультфильмларнинг «Те. ремон».
12.30. Кинохикоя — «Кўк шапкача».
13.00. Мактаб ўқувчилари учун ўзбек тилида эшиттириш — «Еш техниклар».
19.00. Мактабгача ёшлар болалар ва кичик ёшдаги ўқувчилар учун рус тилида эшиттириш — «Ўйлаб топ».
19.30. Сўнгги ахборот.
19.50. Телевизион журнал — «Истиқбол эгалари».
20.35. Кишлоқ хўжалик ҳодимлари учун эшиттириш — «Олим масалалари».
20.50. Татар куйларидан концерт.

21.30. Бадий фильм — «Наринг томонда».
30 МАРТДА
12.00. Мактаб ўқувчилари учун концерт.
13.00. Ўзбек тилида бадий фильм — «Дохунда».
19.00. Ёшлар учун рус тилида эшиттириш — «Бизнинг календар».
19.40. Сўнгги ахборот.
20.00. Комментатор сўхбати (рус тилида).
20.15. «Пахтакорлар, сизлар учун» деган эшиттириш (ўзбек тилида).
20.35. Сатир ва юмор.
«Жанговар қалам» (ўзбек тилида).
20.55. Бадий фильм — «Ўйқусиз йиллар».

ЮРАГИМ БОШҚА БИЛАН

(КИЧИК ҲИКОЯ)

Лаборант Султонов ишга берилиб кетгандан хонага кириб келган киши сезмади. Қиз хонанинг ичида туриб ишнинг аввалгидан қаттиқроқ тақиялатди.

— Кириб, — деди лаборант микроскопдан кўз олди, — мен ҳозир...

Бир нафасдан сўнг у микроскопдан бошини кўтариб, қорозга ниманидир шошиб ёзи ва «хўш, сизга ким керак?» — деб сўради. Чамодан кўтариб турган қизга кўзи тушиб, гуноҳкор одамдек қиймайиб:

— Келинг, келсинлар. Марҳамат. Сиз қишлоқ хўжалик техникумидан келдингизми? — деди.

— Пўк... — деди қиз тортиниб, — Пўлат ақани қардан топсам бўларкин?

— Пўлат ақани қиладиган киши биз ҳам қила оламиз, ахши киши, эштанам.

— Мен у кишининг сингиллари бўламан.

— Шундаки? — ўнгайсанлаб деди Султонов, — сиз ўтира туринг, мен ҳозир... бир минутда...

Пигит чиқиб кетгач, қиз қўлидаги

«ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ»

4-БЕТ, 29 МАРТ, 1961 ЙИЛ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ» («Ташкентская правда») — орган Ташкентской области в горкома Коммунистической партии Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Редакциямизнинг АДРЕСИ:

Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Коммутиатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140. Пропаганда бўлими — 136. Совет курилиши бўлими — 136. Адабиёт ва санъат бўлими 29040. 135. Кишлоқ хўжалик бўлими — 29040. 135. Санъат ва транспорт бўлими, Маданият бўлими — 34048. 132. Секретариат 34808, 115. Маҳаллий ахборот бўлими — 29040, 50. Хатлар бўлими — 34048, 156. Ўзловлар бўлими — 28142.